

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БЎЙРУФИ

**566 Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-2*

Нотариус стажёларини ишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 223-мх-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2149, 2010 йил 20 октябр) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 369-модда) билан тасдиқланган Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий меъёрий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хукуқий хужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритисин.

3. Қонун хужжатларини туркумлаш ва хукуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ва Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси (Д. Якубова) ушбу норматив-хукуқий хужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари О. Муродов зиммасига юклансин.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2013 йил 14 октябрь.,  
314-мх-сон

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2013 йил 14 октябрдаги  
314-мҳ-сонли бўйруғига  
ИЛОВА

**Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш  
тартиби тўғрисида низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида бир йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси стажёр бўлиши мумкин. Бунда стажёрнинг стажировканинг тугаш муддатида йигирма беш ёшдан кичик бўлмаслиги инобатга олинини лозим.».

2. 4-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариал идораларда стажёрлар захираси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда адлия бошқармаси деб юритилади) томонидан мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган талабларга жавоб берадиган шахслар орасидан шакллантирилади. Стажёрликка ишга қабул қилишда номзодлар стажёрлар захирасидан танлаб олинади.».

3. 11-банднинг «е» ва «ж» кичик бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) меҳнат дафтарчаси;

ж) аввалги иш жойидан тавсифнома.».

4. Кўйидаги мазмундаги 11<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«11<sup>1</sup>. Стажёрликка қабул қилинадиган шахс нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими лавозимида ишлаган бўлса, унинг ушбу лавозимларда ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этмаганлигини аниқлаш мақсадида тегишли идоралардан маълумотлар олинади.».

5. 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Фуқаро стажёрликка қабул қилинишидан олдин адлия бошқармасида сухбатдан ўтади. Сухбат адлия бошқармаси бошлигининг буйруғи билан ташкил этиладиган маҳсус комиссия томонидан ўtkазилади. Маҳсус комиссия адлия бошқармасининг масъул ходимлари, шу жумладан тажрибали нотариуслар орасидан 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Маҳсус комиссияга адлия бошқармаси бошлиғи раҳбарлик қиласи.

Сухбатда фуқаронинг юриспруденция соҳасидаги умумий билим даражаси ҳамда унинг стажёр бўлишга лаёқати мавжудлиги аниқланади. Сухбат на-тижаси бўйича хулоса тузилади ва маҳсус комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

Стажёрликка қабул қилишда фуқаронинг нотариат соҳасидаги тажрибаси устувор аҳамиятга эга бўлади.».

6. 13-банддаги «билин дастлабки» деган сўзлар «Нотариат, адвокатура

ва ФХДЁ органлари бошқармаси билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 25-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Стажёрнинг стажировка ўташ даврида амалга оширган ишлари ҳамда иш режанинг бажарилиши юзасидан адлия бошқармаси томонидан ҳар ойда бир марта мониторинг олиб борилади. Мониторинг натижалари юзасидан маълумотнома тузилади ва тегишли тавсиялар берилади.».

8. 27-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Стажировка даврида стажёр нотариал харакатларнинг асосий турла-ри бўйича ҳар олти ой якунни реферат тайёрлайди. Тайёрланган реферат стажировка раҳбари томонидан тасдиқланади ва мазкур Низомнинг 28<sup>1</sup>-бан-дида белгиланган синов вақтида маҳсус комиссия олдида ҳимоя қилинади.».

9. Қўйидаги мазмундаги 28<sup>1</sup> ва 28<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«28<sup>1</sup>. Стажёрнинг нотариатга тааллуқли назарий билимларни ўзлашти-риш даражаси ва амалий тайёргарлигини назорат қилиш мақсадида маҳсус комиссия томонидан:

стажировка ўташ муддатининг биринчи ўили биринчи ярим йиллиги якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси норма-лари;

стажировка ўташ муддатининг иккинчи ўили биринчи ярим йиллиги якуни бўйича нотариал тасдиқланадиган ёки шаҳодатланадиган ҳужжатлар лойиҳаларини тузиш бўйича синовдан ўтказилади.

28<sup>2</sup>. Синов натижалари юзасидан стажёрга тегишли тавсиялар берилади. Синов натижалари юзасидан стажировка раҳбарининг фаолиятига ҳам баҳо берилиб, зарур ҳолларда тегишли чоралар кўриш учун адлия бошқар-маси раҳбарига таклиф киритилади.».

10. Қўйидаги мазмундаги 38<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«38<sup>1</sup>. Стажировка муддати тугагандан сўнг бир ойлик муддат ичida ста-жёрнинг малака имтиҳонини топшириш учун тегишли ҳужжатларни топшир-маганлиги стажировканинг бекор бўлишига асос бўлади, узрли деб топил-ган (касаллик, ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, ҳарбий йиғинларга ча-кирилганлик ва шу кабилар билан боғлиқ) ҳоллар бундан мустасно.».